

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.I.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
МАРКАЗИ**

**АШУРЗОДА ЛУИЗА МУХТАРОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН МЕХНАТ БОЗОРИДА ЁШЛАРНИНГ  
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундаражаси**

**Оглавление автореферати диссертации доктора философии (PhD)  
по экономическим наукам**

**Content of dissertation of doctor of philosophy (PhD) on economical sciences**

**Ашурзода Луиза Мухтаровна**

Ўзбекистон меҳнат бозорида ёшларнинг рақобатбардошлигини  
ошириш йўллари-----3

**Ашурзода Луиза Мухтаровна**

Пути повышения конкурентоспособности молодежи Узбекистана  
на рынке труда-----31

**Ashurzoda Luiza Mukhtarovna**

Ways on increasing youth competitiveness in labor market  
of Uzbekistan-----57

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works-----61

**Г.В.ПЛЕХАНОВ НОМИДАГИ РОССИЯ ИҚТИСОДИЁТ  
УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ФИЛИАЛИ  
ҲУЗУРИДАГИ DSc.22/30.12.2019.1.100.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
“ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ  
ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ  
МАРКАЗИ**

**АШУРЗОДА ЛУИЗА МУХТАРОВНА**

**ЎЗБЕКИСТОН МЕҲНАТ БОЗОРИДА ЁШЛАРНИНГ  
РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

**08.00.10 - Демография. Меҳнат иқтисодиёти**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан В2018.1.PhD/Iqt594 билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети хузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.reu.uz](http://www.reu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот-илмий порталига ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Умурзаков Баходир Хамидович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Маҳкамов Бахтиёр Шухратович**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Холмухамедов Мухсинжон Муродуллаевич**  
иқтисодиёт фанлари номзоди

**Етакчи ташкилот:** **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси 2021 йил «28» 10 да соат 14<sup>00</sup> да Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиали қошидаги илмий даражалар бериш бўйича DSc 22/30.12.2019.1.100.01 рақамли Илмий кенгаш йиғилишида бўлиб ўтади. Манзил: 100164, Тошкент ш., Шаҳрибод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; E-mail: [info@reu.uz](mailto:info@reu.uz).

Диссертация билан Г.В.Плеханов номидаги РИУ Тошкент филиалининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (11 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100164, Тошкент ш., Шаҳрибод кўчаси, 3. Тел.: (99871) 262-43-50; факс: (99871) 262-43-60; E-mail: [info@reu.uz](mailto:info@reu.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «25» 10 кунни тарқатилди.  
(2021 йил «25» 10 рақамли реестр баённомаси.)



**К.Х. Абдурахманов**  
Илмий даражалар бериш бўйича  
Илмий кенгаш раиси,  
ЎзФА академиги, и.ф.д.

**З.Г. Шакарлов**  
Илмий даражалар бериш бўйича  
илмий кенгаш илмий котиби,  
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

**З.Я. Худойбердиев**  
Илмий даражалар бериш бўйича  
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,  
и.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ёшларни муносиб иш ва етарлича даромад кафолатланган иш жойлари билан таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилишига қарамасдан, ёшларнинг меҳнат билан бандлиги тобора жиддий ижтимоий муаммога айланмоқда. ХМТ маълумотларига кўра, “2020 йилги инқироздан олдин дунёда ҳар тўрт ёш ишчининг учтаси норасмий секторда ишлар эди, 25 ва ундан катта ёшдаги аҳоли орасида бу кўрсаткич 60 фоизни ташкил этар эди. 267 миллион ёшлар иш билан банд эмас, маълумотсиз ва касбий тайёргарликдан ўтмаган эди. Бу кўрсаткич даромади ўртача даражадан паст бўлган мамлакатларда ёш аёллар учун деярли 40 фоизга етди”<sup>1</sup>. Ёшлар орасидаги ишсизлик, уларнинг меҳнатидан тўлиқ фойдаланмаслик ҳамда муносиб меҳнат шароитларига эришишга тўсқинлик қилувчи омиллар энг муҳим ечилиши лозим бўлган муаммолар саналади. Шу жиҳатдан бугунги кунда меҳнат бозорида ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш йўлларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунё мамлакатларида аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иш билан муносиб бандлигини таъминлаш, улар рақобатбардошлигини оширишнинг самарали йўллари ва воситаларини ишлаб чиқиш (такомиллаштириш) бўйича кенг қамровли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Тадқиқотларда, айниқса, глобаллашув шароитида норасмий бандлик даражасини камайтириш, ёшлар меҳнат бозорида гендер тенглигини таъминлаш, касб-ҳунар таълими ва истиқболдаги иш ўринлари мутаносиблигини мувофиқлаштириш каби муаммоларга устувор даражада қаралмоқда.

Мустақиллик йилларида, айниқса, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида ёшларга тийлим бериш, касб-ҳунарга ўқитиш, уларнинг муносиб бандлигини таъминлаш, рақобатбардошлигини ошириш каби масалаларга алоҳида аҳамият берилмоқда. “Мамлакатимизда бандлик масаласида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик асосий ўринга кўтарилганини кўриш мумкин. Сўнгги 4 йилда 30 ёшгача бўлган тадбиркорлар сони 5 баробар кўпайиб, улар 500 мингдан ошгани бунинг яққол далилидир. “Ёшлар: 1+1” дастури доирасида ўғил-қизларни тадбиркорларга бириктириб, уларда бизнес кўникмаларини шакллантириш, имтиёзли кредитлар ажратиш, ўз фаолиятини бошлашга кўмаклашиш зарур”<sup>2</sup>. Мазкур вазифаларни ҳал этишда ёшлар бандлигини тартибга солиш механизмлари самарадорлигини оширишда дефференциал ёндашувларни такомиллаштириш, ёшлар меҳнатиинг ўзига хос хусусиятлари негизида ёшлар норасмий бандлигини камайтирган ҳолда улар бандлигини ошириш ва очиклигини ташкил қилиш ҳамда меҳнат бозорининг истиқбол ҳолати ва ёшлар меҳнат бозорининг истиқболли

<sup>1</sup> Манба: United Nations, Disability and Development Report, Realizing the Sustainable Development Goals by, for and with persons with disabilities, 2018, <https://www.un.org/development/desa/disabilities/publication-disability-sdgs.html>.

<sup>2</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/4461>. Президент Ёшлар ва талабалар форумида иштирок этди. 30.06.2021.

конъюнктурасини асослаш каби йўналишларда тадқиқотларни чуқурлаштириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 24 майдаги ПФ-5052-сон “Бандлик соҳасида давлат сиёсатини янада такомиллаштириш ва меҳнат органлари фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 26 мартдаги ПФ-5975-сон “Иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартиришга оид давлат сиёсатини тубдан янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 14 июлдаги ПҚ-3856-сон “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 15 сентябрдаги ПҚ-4829-сон “Хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизимини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари ҳамда саҳага оид бошқа меъерий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Меҳнат бозори ва уни тартибга солиш, иш билан бандлик, ёшларнинг иш билан бандлиги, ишсизлик каби муаммолар хорижлик ва мамлакатимиз етакчи иқтисодчи олимларининг қатор илмий ишларида фундаментал тадқиқ этилган. Меҳнат бозори ва иш билан бандликнинг институционал жиҳатлари ва ечимлари классик назария вакиллари ва бошқа бир қатор хорижлик олимлар<sup>3</sup>, жумладан, А.Смит, Д.Риккардо, Ж.М.Кейнс, А.Маршалл, А.Пигу, Ф.Хайек, М.Фридмен ва бошқаларнинг ишларида чуқур ўрганилган.

Меҳнат бозорининг шаклланиши, ривожланиши ва амал қилиши, уни тартибга солиш каби масалалар бўйича МДХ мамлакатлари олимларидан<sup>4</sup>:

<sup>3</sup> Смит А. Трактат о природе и причинах богатства народов. Пер. с англ. В.С. Афанасьева. - М.: Эксмо, 2007. - 960 с.; Риккардо Д. Начало политической экономики, и податного обложения./ Пер. с англ. Под. ред. П.Н.Клюкина. - М.: Эксмо, 2007. - 960 с; Keynes J.M. The general theory of employment, interest, and money. - Springer, 2018. - 404 p.; Маршалл А. Основы экономической науки. / Пер. с англ. - М.: Эксмо, 2007. - 832 с.; Pigou A.C. Theory of unemployment. - Routledge, 2013. - 348 p.; Hayek F.A. The constitution of liberty: The definitive edition. - Routledge, 2013. - Т. 17. - 596 p.; Фридмен М. Если бы деньги заговорили: пер. с англ. - М.: Дело, 2002. - 158 с.

<sup>4</sup> Экономика труда: учебник и практикум для вузов / Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко. - 3-е изд., перераб. и доп. - Москва: Издательство “Юрайт”, 2020. - 387 с.; Бобков В.Н., Бреев Б.Д., Буланов В.С. и др. Рынок труда: учебник для вузов. - М.: Экзамен, 2003.; Мобильность и стабильность на российском рынке труда / Под ред. В.Е.Гимпельсона, Р.И.Капельюшниковой. - М.: Высшая школа экономики (ГУ ВШЭ), 2017. - 536 с.; Бобков В.Н., Вередюк О.В., Колосова Р.П., Разумова Т.О. Занятость и социальная прекарнизация в России: введение в анализ. - М.: ТЭИС. 2014. - 96 с.; Татибеков Б.Л. Регулирование рынка труда и занятости человеческих ресурсов Казахстана в условиях глобализации (теория, методология, механизмы реализации). Автореферат дис. док. экон. наук. - Алматы: Институт экономики Минобразования и науки Респ.Каз. 2007. - С.42.; Гневашева В.А. Управление занятостью: учебное пособие. - М.: 2011. - 168 с.; Алонкина Л.И.

Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, В.Н.Бобков, В.С.Буланов, Б.Д.Бреев, В.Е.Гимпельсона, Р.И.Капелюшникова, О.В.Вередюк, Р.П.Колосова, Т.О.Разумова, В.А.Гневашева, Б.Л.Татибеков, Л.И.Алонкина ва бошқалар илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Ўзбекистонлик олимлардан:<sup>5</sup> Р.А.Убайдуллаева, Қ.Х.Абдурахмонов, Б.Х.Умурзаков, Б.А. Исламов, З.Я.Худойбердиев, Н.Қ.Зокирова, Н.Х.Рахимова, Ш.Д.Кудбиев, Ш.Х.Назаров, Н.У.Арабов, Р.Р.Хасанов, Г.Қ.Абдурахмонова, Б.Ш. Махкамов, Х.Х.Мамадалиева, Д.А.Насимов, М.М.Холмухамедов ва бошқа олимларнинг илмий ишлари ҳам Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш, улар бандлигига кўмаклашиш, тадбиркорлик ғоя ва ташаббусларини рағбатлантириш, улар муносиб даромад олиши учун кўшимча шароитлар яратиш масалаларига бағишланган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий - тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тошкент давлат иқтисодий университети қошидаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот марказининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ ОТ-Ғ1-022 “Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлаш учун ички имкониятларни аниқлаш ва ресурсларни сафарбар қилишнинг илмий-услубий асослари” иавзусидаги фундаментал, ПЗ-20170929159 “Марказлашмаган бошқарув шароитида минтақавий ривожланишни тартибга солишнинг иқтисодий механизмларини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотининг мақсади** ички меҳнат бозорида ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари** қуйидагилардан иборат:

меҳнат бозорининг характери ва ривожланиши суръатларини тадқиқ қилиш методологиясини ишлаб чиқишни таҳлил қилиш;

замонавий ижтимоий-иқтисодий шароитларни ўрганиш ва Ўзбекистон меҳнат бозорида ёшларнинг рақобатбардошлигини шакллантирувчи омилларни таснифлаш;

минтақавий меҳнат бозорларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш, шунингдек, 2035 йилгача бўлган даврда меҳнат бозорини

Государственное регулирование рынка труда в контексте обеспечения экономической безопасности России: дисс. д-ра экон. наук: 08.00.05. 2008. – 370 с.

<sup>5</sup>Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри.-Т.: “FAN”, 2019. – 592 б.; Abdurakhmanov K.H. Zokirova N.K., Islamov B., Hiwatari M. Systemic transformation and sustainable human development: the Case of Uzbekistan. Jakarta: Gunadarma Publisher, – 2016. – р. 230; Рахимова Н.Х. Роль и место женщины на рынке труда Узбекистана, теория и практика.–Т.: Фан, 2006.; Убайдуллаева Р.А., Ата-Мирзаев О.Б., Умарова Н.О. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳоли бандлиги. - Тошкент, 2006.; Умурзаков Б.Х. ва б. Меҳнат ресурслари шаклланиши ва тақсимланишининг ҳудудий усуллари / Монография. – Тошкент: «LESSON PRESS», 2017. – 184 б.; Худойбердиев З.Я. ва б. Тадбиркорлик ва ишга жойлаштириш технологияси асослари (2-нашр) Ўқув қўлланма. – Тошкент: “ILM ZIYO”, 2017. – 344 б.; Арабов Н.У. Ўзбекистон Республикасида меҳнат бозори инфратузилмасини ривожлантириш самарадорлигини ошириш. Монография. – Тошкент: «Fan va texnologiyalar» нашриёти, 2017. – 336 б.

ривожлантириш прогнозлари ва стратегик устуворликлари нуқтаи назаридан Ўзбекистонда ёшларнинг меҳнат бозорини ривожлантириш шароитлари ва тенденцияларини яхшилаш чора-тадбирларини асослаш бўйича ёндашув ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон меҳнат бозорида фаолият кўрсатаётган институционал механизмларни таҳлил қилиш асосида ёшлар меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиш механизмини такомиллаштириш ва ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ёшлар бандлиги даражасини таҳлил қилиш ҳамда ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашиш дастурлари самарадорлигини баҳолаш методикасини ишлаб чиқиш;

ёшлар меҳнат бозорини тартибга солиш механизмларининг самарадорлиги ва мақсадлилигини оширувчи мазкур бозорнинг мувозанат ҳолатини прогноз қилишнинг динамик моделини ишлаб чиқиш;

меҳнат бозорида Ўзбекистон ёшларининг бандлигини тартибга солиш ва рақобатбардошлигини бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида миллий иқтисодий тизимни ривожлантириш омили бўлган ёшлар рақобатбардошлиги олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** меҳнат бозоридаги ёшларнинг рақобатбардошлиги механизмлари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда тизимли таҳлил, мантиқийлик, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёсий таҳлил, эконометрик таҳлил ва гуруҳлаш, прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат.

ёшлар бандлигини тартибга солиш механизмлари самарадорлигини ошириш ва келгусида баҳолаш даражасини аниқлаштиришда ёшлар меҳнат бозорига ижобий ( $S_{ye}/T_e > S_{yu}/T_u$ ) мувозанатли ( $(S_{ye}/T_e \sim S_{yu}/T_u$  ( $LC_{yu} < 10$ )) ҳамда чекланган ( $S_{ye}/T_e < S_{yu}/T_u$ ) типларга ажратилган ҳолдаги ёндашиш асосланган;

ёшлар меҳнатининг, жумладан, ёшлар бандлигининг очиклиги ва яширин ҳолатларнинг мавжудлиги, улар меҳнатидан фойдаланиш йўналишларининг кенглиги, ёш йигитлар меҳнатидан устувор фойдаланиш каби ўзига хос хусусиятлари очиб берилган, шундан келиб чиқан ҳолда ёшлар норасмий бандлиги ва ишсизлиги миниторинги самарадорлигини оширишда, жумладан тармоқ, ҳудуд ва иш берувчилар ҳамда жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кенгайтириш зарурати асосланган;

меҳнат бозорининг истиқболи ва ёшлар меҳнат бозоридаги истиқболли вазиятда меҳнат соҳасида тенгликни таъминлашда иш кучи бўйича талаб, таклиф ва бошқа тегишли омил (кўрсаткич)лар билан бир қаторда, ишчи кучи қийматини (P) эътиборга олиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилган;

минтақавий меҳнат бозорларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш ва ёшлар меҳнат бозорини ривожлантириш шартларини эътиборга



олган ҳолда 2035 йилгача бўлган даврда меҳнат бозорини ривожлантириш прогнози ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилар:

ёшларни меҳнат бозорига мослаштириш ва ёшлар бандлигини ошириш бўйича мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган;

ёшларни иш билан таъминлаш даражасини таҳлил қилиш ва ёшларни ишга жойлаштириш ва рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашиш дастурлари самарадорлигини баҳолаш методикаси ишлаб чиқилган;

ёшлар бозорининг конъюнктураси ва алоҳида сегментларини таҳлил қилиш ҳамда уни тартибга солиш механизмлари аниқлиги ва холислигини оширувчи модель ишлаб чиқилган;

барча даражадаги касб-ҳунар таълими олиш имкониятларини ошириш, ўқув жараёнининг амалий йўналтирилганлигини кучайтириш, ёшларни иш билан таъминлаш муаммоларини ҳал қилиш бўйича таклифлар асослаб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги расмий манбаларга асосланган методологик ёндашувлар, усуллар ва назарий материаллар қўлланиши, тегишли тузилмалар томонидан олинган хулосалар, таклифлар, тавсиялар ва натижаларнинг амалиётга татбиқ этилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан меҳнат бозорида ёшларнинг рақобатбардошлиги бўйича илмий тадқиқотларда ва ёшларнинг меҳнат бозорини тартибга солиш механизмлари самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан устувор тармоқларда ёшлар рақобатбардошлигини оширишни давлат томонидан тартибга солиш ва мақсадли молиялаштиришнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқишда, шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш ва касб-ҳунарга ўқитиш масалалари билан шуғулланувчи давлат органлари фаолиятида фойдаланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ўзбекистоннинг ҳозирги меҳнат бозорида ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича ишлаб чиқилган таклифлар қуйидаги натижаларга эришиш имконини берди:

ёшлар меҳнат бозорини уч типга ажратган ҳолда баҳолаш бўйича ишлаб чиқилган ёндашувдан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи томонидан яқин прогноз даврида устувор тармоқларда ёшларнинг рақобатбардошлигини оширишни давлат томонидан тартибга солиш ва мақсадли молиялаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 01/00-02/07-2302-сон маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг 2020 йил 1 апрелдаги 04-13/2104-сон маълумотномаси). Таклифларни жорий этиш натижасида 2020 йилда 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган 270312 кишининг

маҳаллий ва озиқ-овқат саноати, автомобиль ва компьютер техникасига хизмат кўрсатиш корхоналарида, ўсимлик, чорвачилик ва касаначилик (тикувчилик) каби соҳаларда иш билан таъминланишига имкон яратилган;

2035 йилгача бўлган даврда меҳнат бозорини ривожлантириш прогнози бўйича ишлаб чиқилган таклифлардан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан меҳнат бозорини тартибга солиш ва истиқбол дастурларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 01/00-02/07-2302-сон маълумотмаси). Натижада бу тармоқ ва минтақавий бандлик дастурларини ишлаб чиқишда ёшларни иш билан янада тўлароқ таъминлаш, касб-хунар таълими олиш мақсадли кўрсаткичларини мувофиқлаштириш ва битирувчиларни ишга жойлаштириш масалаларини ҳал этишга усдубий таъминот сифатида хизмат қилган;

ёшлар меҳнати хусусиятлари ва ёшлар норасмий бандлиги ва ишсизлиги миниторинги самарадорлигини ошириш бўйича таклифлардан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ёшлар иттифоқи томонидан ёшларни ишга жойлаштириш ва уларнинг рақобатбардошлигини оширишга кўмаклашиш дастурлари ҳамда мақсадли чора-тадбирлар ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Ёшлар иттифоқининг 2020 йил 1 апрелдаги 04-13/2104-сон маълумотномаси; Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 01/00-02/07-2302-сон маълумотномаси). Натижада, 2019 йилда ёшлар ўртасида ишсизлик суръатининг 1,5 фоизга камайиши ва ёшлар меҳнат бозори рақобатбардошлигини оширишга эришилган;

меҳнат бозорининг истиқбол ҳолати ва ёшлар меҳнат бозорининг истиқболли вазияти омиллар тенглигини таъминлашда ишчи кучи қиймати (P) бўйича таклифдан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги томонидан 2020-2023 йилларда устувор тармоқларда ёшларнинг рақобатбардошлигини оширишни давлат томонидан тартибга солиш ва мақсадли молиялаштиришга доир комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг 2020 йил 27 февралдаги 01/00-02/07-2302-сон маълумотномаси). Натижада, бу 2020 йилда 270 312 нафар ёшларни ишга жойлаштиришда усдубий асос бўлиб хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий конференцияларда, шундан 3 таси халқаро конференцияларда муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тадқиқот мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш, жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 11 та ва нуфузли хорижий журналларда 3 та илмий мақола, шунингдек, илмий-амалий конференцияларда 9 та маъруза тезислари чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 153 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Меҳнат бозорида ёшларнинг рақобатбардошлигини шакллантиришнинг услубий жиҳатлари”** деб номланган биринчи бобида иқтисодий ривожлантиришда меҳнат ресурсларининг рақобатбардошлиги ролини ошириш бўйича илмий қарашлар эволюцияси таҳлил қилинган; ёшлар рақобатбардошлигининг иқтисодий шарти сифатида аҳолининг иш билан бандлик даражасига муаллифлик таърифи берилган; инновацион иқтисодий шароитида меҳнат бозорида ёшларнинг рақобатбардошлигига таъсир қилувчи омиллар таснифланган.

Назарий ва услубий материалларни таҳлил қилиш натижалари асосида иш берувчилар томонидан меҳнат бозорида талаб қилинадиган ишчининг рақобатбардошлиги кўрсаткичлари тизими шакллантирилган ва ходимлар рақобатбардошлигининг замонавий концепциялари ташкилот рақобатбардошлигининг зарур шарти сифатида тизимлаштирилган. Персонал рақобатбардошлигини шакллантириш ва ривожлантиришнинг корпоратив жиҳатлари тадқиқ этилди ва персонал рақобатбардошлигининг нарх параметрлари аниқланди. Бу рекрутнинг, ўқитиш, малакасини ошириш, интизомни сақлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш учун харажатларидир.

Ҳозирги вақтда дунё аҳолисининг ёшлардан иборат қисми ишсиз қолишининг кўплаб сабаблари мавжуд. Диссертант фикрича, аввалдан нотўғри қўйилган мақсадлар ва кейинчалик касбни танлаш ёш авлод ўртасида ишсизлик муаммоларидан бири ҳисобланади, чунки кўпчилик бирор-бир мутахассисликни ўзи истамай ва қизиқиш билдирмай танлайди, шунчаки ота-онасининг хоҳиши ёки ушбу мутахассислик оила аъзолари танлови бўлгани учун ўқишга киради. Шу туфайли одамлар ўзлари қизиқмаган машғулотларда вақтини йўқотади ва келажакда улар ушбу мутахассислик бўйича ишлай олмайди. Бу ёш авлоднинг ишсизлиги ва умуман, ишсизлик улушининг катта қисмини ташкил этади.

Ҳозирги замонда ёш авлодни иш билан таъминлаш масаласини ҳал қилиш чоралари кўрилмоқда. Масалан, иш берувчиларнинг ўзлари бўлажак мутахассисларни излаб ўқув юртларига мурожаат қилмоқдалар. Бундан ташқари, компаниялар турли хил суҳбатлар ўтказмоқда, уларнинг натижаларига кўра, олий ўқув юртини битирганидан кейин талабаларни ишга таклиф қилмоқда. Касбий маълумотга эга бўлмаган ёшларни ҳам унутмаслик лозим. Вояга етмаган шахсларни алоҳида гуруҳга ажратиш

мумкин – улар ихтисосликка эга эмас, меҳнат бозоридаги вазиятга мослаша олмайди, меҳнат қонунчилиги билан таниш эмас. Ёшларнинг меҳнат бозорини баҳолаётиб, шуни таъкидлаш мумкинки, катта ёшдагилар гуруҳи билан таққослаганда ёшлар рақобатбардошлигининг пастлиги унинг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Ёшлар ўртасидаги ишсизликнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ва келажакда унинг кучайишига йўл қўймаслик учун касбга йўналтириш тизимини яратиш зарур, у қобилиятларни имкон қадар ривожлантириш имконини бериши, ёшлигидан меҳнат бозори шароитларига мослаштириши, ўз келажаги ва умуман, жамият келажаги учун масъулият ҳиссини уйғотиши лозим.

Янги технологиялар (таълим, тиббиёт ва ҳоказо) уларни яратиш, идрок этиш ва улардан фойдаланиш малакаларига эга инсон капиталининг янги авлодини шакллантириш имконини беради. Тижоратлаштириш босқичида янги технологиялардан фойдаланиш доирасида янги сифатга эга инсон капитали қўшимча даромад олиш имконини беради. Шундай қилиб, одамлар юқори технологиялар мавжуд бўлган жойда юқори малакаларни олишга интилади ва юқори малака мавжуд бўлган жойда янги технологияларга инвестиция киритилади. Бундан келиб чиқадикки, замонавий юқори технологияли иш ўринларига асосий даъвогар сифатида ёшлар ўртасида рақобатбардошликни шакллантириш рақобатдош меҳнат бозорини ривожлантиришдир.

Иқтисодий ривожланишда меҳнат ресурслари рақобатбардошлигининг ролини ошириш бўйича илмий қарашлар эволюциясини таҳлил қилиш, маҳсулот ва ходимнинг рақобатбардошлиги мезонларини қиёсий таҳлил қилиш натижасида меҳнат бозоридаги замонавий жараёнларни тавсифловчи асосий тушунчалар аниқланди. Ёшларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги бу шундай кўрсаткички, унинг асосида бозор ва иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги баҳоланади.

Фикримизча, ёшларни иш билан таъминлаш соҳасидаги энг муҳим муаммолар қуйидагилардан иборат:

а) ҳам глобал инқирозлар, ҳам ички жараёнлар туфайли юзага келган ишсизлик даражасининг ўсиши. Бир қатор давлатларнинг оммавий ахборот воситалари ишсизликнинг ўсиши тўғрисида мунтазам хабар беради, бу иқтисодий фаол аҳолининг 8-10 фоизини ташкил этади. Мажбурий ишсиз фуқароларнинг умумий сонидagi ишсиз ёшлар сони 40 фоизга етади;

б) энг юқори ишсизлик даражаси ёшларга, айниқса, меҳнат бозорига биринчи марта кириб келаётган ёшларга хосдир;

с) таълим даражасидаги тенгсизлик ва таълим олиш имкониятлари ўз таъсирини кўрсатмоқда, бу, умуман, меҳнат бозорининг рақобатбардошлигини ошириш имкониятини пасайтиради ва фақат энг талаб кам бўш иш ўринларини таклиф этади;


д) кўплаб компанияларнинг ёш ишчиларни ўқитиш тизимини ривожлантиришга маблағ сарфлашдан манфаатдор эмаслиги;

е) ишсизликнинг кескин тебранишлари бўлмаса, маълумот даражаси паст ва ижтимоий ҳолати ҳимояланмаган аҳолининг айрим гуруҳлари орасида унинг тақсимланиш кўлами унинг ўзига хос хусусиятига айланди.

Ёшларнинг меҳнат бозорини тартибга солиш ва ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш бўйича хорижий тажрибани таҳлил қилиш аниқ чора-тадбирлар ва воситаларнинг имкониятларини аниқлаб берди. Шундай қилиб, фақат рақамли иқтисодиётни ривожлантириш, оилавий ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва спортни ривожлантиришга қаратилган давлат дастурларини амалга ошириш нуқтаи назаридан янги сифатларга эга рақобатбардош меҳнат ресурсларини шакллантириш мумкин.

**“Ёшлар меҳнат бозори ва Ўзбекистонда ёшлар рақобатбардошлигини ошириш фаолиятини таҳлил қилиш”** деб номланган диссертациянинг иккинчи бобида Ўзбекистон Республикаси меҳнат бозорида ёшлар рақобатбардошлигининг намоён бўлиш хусусиятлари, меҳнат бозорида Ўзбекистон ёшларининг бандлигини тартибга солишнинг институционал жиҳатлари ва Ўзбекистон Республикасида ёшларнинг рақобатбардошлигини ошириш нуқтаи назаридан ёшлар меҳнат бозорини ривожлантириш суръати ўрганилди.


Ўзбекистон меҳнат бозорида арзон ишчи кучи етишмаслиги муаммоси мавжуд эмас, арзон ишчи кучининг ҳаддан ортиқлиги талаб ва таклифнинг сифат хусусиятлари ўртасидаги номуаносиблик билан бирга пайдо бўлмоқда. Ҳар йили Ўзбекистондаги мактаблар, ўрта ва махсус таълим муассасалари, олий ўқув юртлари ва университетлар битирувчилари меҳнат бозорини тўлдирмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон аҳолисининг асосий қисми меҳнатга лаёқатли ёшда (1-расм).



**1-расм. Жинси ва асосий ёш гуруҳлари бўйича доимий аҳоли сони тақсимоти (йил охирида, фоизда)<sup>6</sup>**

<sup>6</sup> Манба: <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/living-standards>

Ёш гуруҳлари бўйича аҳоли тузилишининг фоизлар бўйича таҳлили демографик ўсиш давом этаётганлигини кўрсатмоқда. Бунда 16 ёшдан 24 ёшгача ва 30 ёшдан 39 ёшгача бўлган сегментларда энг катта ўсиш кузатилмоқда (2-расм).



**2-расм. Ёш тоифалари бўйича Ўзбекистон аҳолиси сони тақсимоти<sup>7</sup>**

Минтакавий нуқтаи назардан бандлик даражаси таҳлили Ўзбекистоннинг ҳар бир минтақаси ўзига хослигини кўрсатмоқда, бу ижтимоий-иқтисодий ривожланиш тенденциялари билан изоҳланади (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Бандлик даражаси (%)<sup>8</sup>**

Ҳудудлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	68,7	69,2	67,4	68,3
Қорақалпоғистон Республикаси	58,1	58,3	62,9	63,0
Андижон вилояти	72,3	73,0	69,6	70,2
Бухоро вилояти	72,9	72,5	70,7	69,3
Жиззах вилояти	59,1	60,0	61,6	67,2
Қашқадарё вилояти	64,3	65,4	64,8	64,1
Навоий вилояти	72,8	72,4	69,2	69,5
Наманган вилояти	61,9	63,4	63,8	66,5
Самарқанд вилояти	68,7	69,7	66,3	65,4
Сурхондарё вилояти	65,4	66,6	65,2	67,2
Сирдарё вилояти	71,7	71,1	70,5	69,0
Тошкент вилояти	75,4	75,2	71,4	71,5
Фарғона вилояти	69,6	69,9	66,0	67,6
Хоразм вилояти	66,3	66,9	64,6	66,2
Тошкент шаҳри	81,0	80,8	77,5	80,5

<sup>7</sup> Манба: <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/living-standards>

<sup>8</sup> Манба: Ўша жойда

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, шунингдек Жиззах, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида бандлик динамикаси ўсиб борапти. Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида бандлик динамикасининг пасайиши кузатилмоқда. Фарғона, Хоразм ва Сурхондарё вилоятларида 2018 йилда бандликнинг ўсиши кузатилди. Ўртача ҳисобда Ўзбекистонда фаол давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсати туфайли бандлик барқарор даражада сақланиб қолмоқда.

Аҳоли жон бошига ялпи даромадлар динамикаси таҳлили улар глобал пандемия инқирози келтириб чиқарган карантин чоралари, умуман, иқтисодиётда ишбилармонлик суръатлари пасайиши туфайли пасаяётганлигини кўрсатмоқда. Энг сезиларли пасайиш Тошкент, Навоий, Қашқадарё, Наманган, Сурхондарё вилоятларига тўғри келди (2-жадвал).

## 2-жадвал

### Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига ялпи даромадлар (аввалги йилга нисбатан ўсиш, %)<sup>9</sup>

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
Ўзбекистон Республикаси	114,6	117,3	125,9	118,9	110,9
Қорақалпоғистон Республикаси	112,7	119,9	132,0	119,8	114,4
Вилоятлар:					
Андижон вилояти	116,4	120,1	124,4	117,9	108,8
Бухоро вилояти	114,3	120,2	128,6	116,8	111,6
Жиззах вилояти	113,8	118,8	130,5	117,5	113,2
Қашқадарё вилояти	117,8	116,6	122,4	119,6	111,5
Навоий вилояти	111,8	114,3	125,2	122,6	114,7
Наманган вилояти	115,1	119,8	122,6	122,1	111,3
Самарқанд вилояти	119,2	116,7	125,1	118,2	113,5
Сурхондарё вилояти	110,8	114,9	130,9	119,1	108,8
Сирдарё вилояти	116,7	99,9	121,6	118,9	108,1
Тошкент вилояти	109,0	113,3	124,2	117,1	113,2
Фарғона вилояти	110,0	112,6	127,5	115,4	109,1
Хоразм вилояти	114,8	125,1	131,8	118,8	108,8
Тошкент шаҳри	119,1	121,7	123,1	121,5	108,6

Мулкчилик шакллари бўйича аҳоли сони тузилишини таҳлил қилиш иш билан банд бўлган аҳолининг асосий қисми мулкчиликнинг нодавлат шаклларига тўғри келишини кўрсатди. Айни вақтда, иқтисодиётнинг давлат секторида иш билан банд бўлганлар сони ҳам доимий равишда ўсиб бормоқда (3-жадвал).

<sup>9</sup> Манба: <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/living-standards>

## 3-жадвал

Мулкчилик шакллари бўйича иш билан банд аҳоли сони<sup>10</sup>

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019
Минг киши				
Жами иқтисодиётда банд бўлганлар	13298,4	13520,3	13273,1	13541,1
Шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича				
давлат	2330,4	2338,3	2427,0	2463,3
нодавлат	10968,0	11182,0	10846,1	11077,8
Фоизларда				
Жами иқтисодиётда банд бўлганлар	100	100	100	100
Шу жумладан, мулкчилик шакллари бўйича				
давлат	17,5	17,3	18,3	18,2
нодавлат	82,5	82,7	81,7	81,8

Иқтисодий фаолият турлари бўйича иш билан банд аҳоли таркибида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги, саноат, қурилиш, савдо ва фаолиятнинг бошқа турлари устунлик қилмоқда.

## 4-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича банд бўлган аҳоли сони (фоизларда)<sup>11</sup>

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019
Жами иқтисодиётда банд бўлганлар	100	100	100	100
Шу жумладан,				
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	27,4	27,2	26,6	26,2
Саноат	13,6	13,5	13,5	13,5
Қурилиш	9,5	9,5	9,1	9,8
Савдо	10,9	11,0	10,6	10,6
Ташиш ва сақлаш	4,8	4,8	4,8	4,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	2,3	2,3	2,3	2,3
Ахборот ва алоқа	0,5	0,5	0,5	0,5
Молиявий ва суғурта фаолияти	0,5	0,5	0,5	0,5
Таълим	8,3	8,2	8,4	8,4
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	4,5	4,5	4,5	4,6
Санъат, кўнгил очиш, дам олиш	0,5	0,5	0,5	0,5
Фаолиятнинг бошқа турлари	17,2	17,5	17,6	18,2

Сўнгги беш йил ичида корхоналар ва ташкилотлар ходимларининг сони анча барқарор тузилишга эга. Ишчиларнинг асосий улуши 30-39 ёшдагиларга тўғри келади ва ўртача 30 фоизни ташкил қилади. Касбий фаолиятини 18-29 ёшда бошлайдиган гуруҳ ўртача 25 фоизни ташкил қилади. Бунда 30-39 ёшдагилар гуруҳида ўсиш ва 18-29 ёшдагилар

<sup>10</sup> Манба: <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/living-standards>

<sup>11</sup> Манба: Ўша жойда



гуруҳида пасайиш кузатилди. 40 ёшдан катта гуруҳларда ишловчилар сонининг ошиши кузатилди. Корхоналар ва ташкилотларда ишлайдиган аёллар орасида 30-39 ёшлилар - 31,1 фоизни, 18-29 ёшлилар - 29,7 фоизни, 40-49 ёшдагилар - 26 фоизни ташкил этди. Эркаклар орасида энг кўп ишловчилар сони (29,2%) 30 ёшдан 39 ёшгача бўлганларга тўғри келади, 27,0 фоизи - 18-29 ёшдагиларга, 24,2 фоизи - 40-49 ёшдагиларга тўғри келади. Шундай қилиб, корхона ва ташкилотларда иш билан банд бўлганларнинг ўртача ёши доимий равишда ўсиб бормоқда ва ҳозирги кунда 37,4 ёшни ташкил этмоқда.


Иқтисодий фаолият турлари бўйича аҳоли ялпи даромадларининг тузилиши қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади. 2020 йилда аҳолининг ялпи даромадлари Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг дастлабки маълумотларига кўра, 284,7 трлн. сўмни ташкил этди. Ялпи даромаднинг номинал ўсиш суръатлари 2019 йилга нисбатан 113,1 фоизга, реал ўсиш суръатлари 99,7 фоизга тенг. 2020 йилда аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар 8,3 млн. сўмни ташкил этди. Аҳоли жон бошига ялпи даромадларнинг номинал ўсиш суръати 110,9 фоизни, реал ўсиш суръатлари 97,7 фоизни ташкил этди. 2020 йил январь-сентябрь ойларида аҳолининг ўртача жон бошига номинал ялпи даромади республика бўйича ўртача қийматдан юқори бўлди, Тошкент шаҳрида 16 360,6 минг сўмни, шунингдек, Навоий вилоятида 13 515,2 минг сўмни, Бухоро вилоятида 10 479 , 8 минг сўмни, Тошкент вилоятида 8 780,2 минг сўмни ва Хоразм вилоятида 8 602,3 минг сўмни ташкил этди (5-жадвал, 3-расм).

### 5-жадвал

#### Аҳолининг ялпи даромадлари таркиби (%)<sup>12</sup>

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019
<b>Ялпи даромадлар – жами</b>	100	100	100	100
Шу жумладан:				
<b>Бирламчи даромадлар</b>	84,0	79,1	76,1	74,6
Ишлаб чиқаришдан олинadиган даромад	80,9	75,8	73,0	71,7
Меҳнат фаолиятидан олинadиган даромад	79,0	73,7	71,0	69,6
Ёлланма ишчилардан олинadиган даромад	30,6	27,6	26,4	27,3
Мустақил фаолиятдан олинadиган даромад	48,4	46,1	44,5	42,3
Ўз истеъмоли учун хизматларни ишлаб чиқаришдан олинadиган даромад	2,0	2,0	2,0	2,1
Мулкчиликдан олинadиган даромад	3,1	3,4	3,1	2,9
<b>Трансфертлардан олинadиган даромад</b>	16,0	20,9	23,9	25,4
Ялпи даромадлар умумий ҳажмидан, кичик тадбиркорликдан даромадлар	64,8	63,3	61,9	59,3

<sup>12</sup> Манба: <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/living-standards>



3-расм. Аҳолининг жами даромади таркиби (%)<sup>13</sup>

2020 йил январь-сентябрь ойларида ёлланма ишчилар умумий даромадининг аҳоли орасидаги улуши 27,5 фоизни ташкил этди. Ўтган даврда улар даромадларининг ўсиш суръатлари 109,0 фоизга етди, бу эса, аҳоли номинал даромадининг 2,6 фоизга ўсишини таъминлади. Ходимларнинг энг юқори номинал даромадлари Тошкент шаҳрида (114,1%), Сурхондарё (109,9%), Бухоро (109,2%) ва Жиззах (109,1%) вилоятларида қайд этилди.

6-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи (сўм)<sup>14</sup>

Идентификатор	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил
Ўртача ойлик номинал ҳисобланган иш ҳақи, сўм	1293764,3	1457778,0	1822687,4	2324614,7	2583135,9
Саноат	1863843,5	2090702,4	2729968,0	3311284,0	3485596,8
Қурилиш	1619107,6	1777871,5	2292386,9	2751305,4	3147852,9
Савдо	1500523,2	1676493,2	1980772,4	2462764,1	2555550,6
Ташиш ва сақлаш	1763892,0	2028561,3	2505024,2	2966040,1	3304805,8
Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	913366,7	1037909,6	1251493,0	1749182,4	1793631,8
Ахборот ва алоқа	2042223,6	2502161,8	3329592,3	3968845,5	4306162,6
Банк, суғурта, лизинг, кредит-воситачилик фаолияти	2140142,4	2694740,7	3497141,8	4804809,6	5814233,7
Таълим	1038910,9	1160197,1	1381541,2	1843036,4	1939415,6
Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	887794,3	979365,8	1171601,8	1534496,2	1799364,7
Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	1272108,1	1381881,0	1669219,2	2046631,1	2216990,2
Бошқа турлар	1109688,8	1261843,6	1742012,3	2300634,2	2715390,5

<sup>13</sup> Манба: <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/living-standards>

<sup>14</sup> Манба: Ўша жойда

Иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи молия ва пул-кредит хизматлари, ахборот хизматлари ва алоқа хизматлари соҳасида, шунингдек саноат, қурилиш ва савдо соҳасида энг юқори даражага эга. Ушбу соҳалар меҳнат бозоридаги таклиф ва юқори малакали мутахассисларга бўлган талаб нуқтаи назаридан талабга эга (6-жадвал, 4-расм).



**4-расм. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ўртача ойлик номинал иш ҳақи динамикаси (сўм)<sup>15</sup>**

Кўриб чиқиладиган даврда реал ялпи даромадларнинг ўсиш суръатлари 7-жадвалда келтирилган.

**7-жадвал**

**Аҳоли ялпи даромадларининг ўсиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан фоизда)<sup>16</sup>**

Кўрсаткичлар	2016	2017	2018	2019	2020
Аҳолининг ялпи даромадлари	116,6	119,3	128,1	121,2	113,1
Аҳолининг реал ялпи даромадлари	110,4	109,0	109,0	105,8	99,7
Аҳоли жон бошига ялпи даромадлар	114,6	117,3	125,9	118,9	110,9
Аҳоли жон бошига реал ялпи даромадлар	108,5	107,2	107,1	103,8	97,7

Аҳолининг ялпи даромадлари ижобий ўсиб бормоқда, кўпчилик корхоналар ва ташкилотлар карантинга ўтиши сабабли ўсиш суръатлари бирмунча секинлашмоқда ва пасаймоқда.

<sup>15</sup> Манба: <https://stat.uz/ru/ofitsialnaya-statistika/living-standards>

<sup>16</sup> Манба: Ўша жойда

Ёшларнинг меҳнат бозоридаги рақобатбардошлиги муаммоси нафақат меҳнат бозорига кириб келаётган мутахассислар сифати билан, балки уларнинг тайёргарликги қанчалик меҳнат бозори талабларига мос келиши билан боғлиқ. Ушбу соҳада инқироз кузатилди: кўпчилик олий ўқув юртлари битирувчилари мутахассислиги бўйича иш топа олмайди ёки таклиф этилаётган меҳнат шарт-шароитлари, иш ҳақи даражасидан қониқиш ҳосил қилмайди. Ёш мутахассислар ўз рақобатбардошлик имкониятларини баҳолашда фақат расмий иш амалий тажрибасига ёки стажировкага эътибор қаратади, уларнинг оз қисми шахсий фазилатларини яхшилаш керак деб ҳисоблайди. Бунда қишлоқларга қараганда шаҳарларда мавжуд бўлган юқори ҳаёт даражаси касб ва иш жойини танлашда муҳим омил ҳисобланади. Ёш мутахассисларнинг рақобатбардошлиги нафақат касбий кўникмалар бўйича, балки олий маълумот олганлиги, орттирилган маданий ва рағбий капитал бўйича баҳоланади, бу мулоқот қилиш кўникмалари ва маданиятида, шунингдек, шакллантирилган ижтимоий алоқалар ва обрў-эътиборда намоён бўлади, улар ижтимоий алоқалар, хусусан, стажировка орқали орттирилади.

Банд бўлмаган ёшларнинг кўп бўлиши, уларнинг кўпчилиги касбий таълим олганлиги ва бир вақтда вакант иш жойлари борлиги кадрлар тайёрлашда йўл қўйилган хатоликлар ва битирувчиларнинг нотўғри меҳнат ва касбий йўналишларидан, айрим ҳолларда эса, профессионализм даражаси пастлигидан дарак беради. Бундай шароитларда ёшларнинг касбий рақобатбардошлигини бошқариш самарадорлигини ошириш алоҳида ижтимоий-иқтисодий аҳамиятга эга бўлади.

Худудий меҳнат бозорининг шаклланиши ва ҳолатига иқтисодий, демографик омиллар, таълим билан боғлиқ омиллар таъсир кўрсатади. Улар ўз касбида ва хизматда кўтарилиши учун энг қулай шароитлар яратиш, меҳнат бозорида рақобатбардошликни ошириш умумий вазифалигича қолмоқда. Ўтказилган тадқиқот ёшлар меҳнат бозори талаб ва таклиф беқарорлиги билан ажралиб туришини кўрсатди, бу эса ёшлар йўналишининг ўзгарувчанлиги, уларнинг ижтимоий ва касбий ноаниқлиги билан изоҳланади. Ёшларнинг меҳнат бозори бошқа ёш гуруҳларига нисбатан паст рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Ёшларда ишдан айрилиш ёки иш топиш хавфи кўпроқ. Бунда меҳнат бозорига биринчи марта кириб келаётган янги ишчи кучининг ишга жойлашиш имкониятлари камаймоқда.

Ёшларни иш билан таъминлашнинг аниқ ва яширин ўлчовлари мавжуд. Ҳеч қаерда ишламайдиган ёки ўқимайдиган ёшлар сони ўсишда давом этмоқда. Иш излаётган ёшларнинг аксарияти, шу жумладан, ўқув юртларини яқинда тугатганлар асосий мутахассислигидан йироқ бўлган мутахассисликлар бўйича ишга кирмоқда, кўпчилик учун қайта тайёргарликдан ўтиш иш топишнинг ягона йўли бўлиб қолмоқда.

Ёшлар орасидаги ишсизликнинг сабаблари қуйидагилардан иборат: меҳнат бозорига юқори демографик босим; Ўзбекистон меҳнат бозорида янги иш ўринлари таклифи етарли эмас; иш тажрибаси камлиги сабабли меҳнат унумдорлиги паст; касб-ҳунар таълими муассасаларини битирган ёшлар ўртасида малака даражаси етарли эмас; ўқув юртларида назария ва амалиёт

интеграциясини таъминлаш соҳасидаги ижтимоий шериклик механизмлари ривожланмаган; ёшларни касбга йўналтириш тизими йўқ бўлган шароитда касблар нотўғри танланмоқда; кадрлар тайёрлаш квоталар тузилмалари ва иқтисодиётда уларга бўлган зарурат етарли даражада мувофиқ эмас; кўп йиллар давомида ёшларни олий таълим билан қамраб олиш даражаси анъанавий даражада паст. Ёшлар орасида ишсизликнинг мавжудлиги иқтисодиётда ёшларнинг меҳнат салоҳиятидан тўлиқ фойдаланмасликни англатади.

Ўтказилган тадқиқот асосида меҳнат бозорида рақобатдош ёш мутахассиснинг қуйидаги ижтимоий портретини яратиш мумкин. Керакли бўш иш ўрни учун танловдан ўтаётганда ёш мутахассис ушбу компанияда ўзининг ўсиши ва ривожланишидан манфаатдорлигини ва бунга қизиқишини исботлаши керак. Шунингдек, стрессли интервью, гуруҳ суҳбатлари ва ассесмент-маркази каби суҳбатдан ўтишнинг ностандарт турларига тайёр бўлиши керак, уларда ёш мутахассис ўзининг ижодкорлик ва ижодий фикрлаш қобилиятини, шунингдек, ностандарт иш шароитида ўзини қандай тутишини кўрсата олиши лозим. Шунингдек, ёш мутахассис яккама-якка интервью жараёнида кадрлар менежери билан иш юзасидан мулоқот қилишда ўзининг мулоқот олиб бориш қобилиятини кўрсатиши керак. Ёшларнинг касбий фаолиятга тайёрлиги учун Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ёшлар меҳнат бозорини ривожлантиришнинг илмий асосланган прогнозларига таянадиган тизимли чора-тадбирлар зарур.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда ёшлар рақобатбардошлигини ошириш механизмини такомиллаштириш йўллари”** деб номланган учинчи бобида бандликни тартибга солиш ва меҳнат бозорида Ўзбекистон ёшларининг рақобатбардошлигини бошқариш механизмини такомиллаштириш бўйича таклифлар ҳамда меҳнат бозорида ёшларнинг рақобатбардошлигини баҳолашнинг таҳлилий модели ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон меҳнат бозорида ёшлар муҳитида рақобатдош меҳнат ресурсларини шакллантириш механизмини такомиллаштириш бўйича тавсиялар асослаб берилди.

Ҳозирги вақтда иқтисодий жараёнлар фақат бозор механизмлари ёрдамида тартибга солинадиган бирор-бир давлат ва иқтисодий фаолият соҳаси мавжуд эмас. Давлат иқтисодий тизимнинг барча элементларига, шу жумладан, бозорга ҳам маъмурий, ҳуқуқий ва иқтисодий усуллар билан таъсир қилади. Шу сабабли аҳолини иш билан таъминлашни тартибга солиш тизимини ўрганаётганда уни иккита алоҳида механизмга – бозор ва давлат механизмига бўлиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки ҳар иккала ҳолатда ҳам иқтисодиётга таъсир кўрсатишнинг давлат услубларига катта аҳамият берилади.

Ёшлар меҳнат бозори кўрсаткичларини таҳлил қилиш унинг тўрт турини аниқлашга имкон берди:

– ёшлар меҳнат бозорининг мувозанатли тури энг қулай меҳнат бозори сифатида тавсифланади;

– ҳудудий ёшлар меҳнат бозорининг мувозанатсиз тури иш жойларининг чекланганлиги сабабли юқори ижтимоий кескинлиги билан ажралиб туради;

– ҳудудий ёшлар меҳнат бозорининг мувозанатсиз тури, у меҳнат бозоридаги кескинлик паст даражада бўлиши, бироқ ёшлар ўртасида ишсизлик юқори даражада бўлиши билан ажралиб туради. Бу иш ўринлари етарли эканидан, бироқ иш берувчи негадир ёшларни ишга ёлламоқчи эмаслигидан далолат беради;

– ҳудудий ёшлар меҳнат бозорининг мувозанатсиз тури, у талаб ва таклиф ўртасидаги кўп омилли номутаносиблик туфайли ўзига хос мураккаблик ва кескинлик билан тавсифланади.

## 8-жадвал

### Ишчи кучини қайта шакллантиришнинг турли босқичларида аҳоли бандлигини тартибга солиш мақсадлари<sup>17</sup>

Қайта шакллантириш босқичи	Бандлик намоён бўлишининг ўзига хос хусусиятлари	Бандликни тартибга солиш мақсади
Шакллантириш (яратиш)	Иқтисодий қулайликларни ишлаб чиқариш жараёнида бандлик. Ходимни ишлаб чиқариш воситалари билан боғлаш	Жонли меҳнатни тежаш ва ёш малакали кадрлар оқими ўртасида мувозанатни таъминлаш; оммавий касбларда ва ихтисосликда меҳнатни универсаллаштириш; кадрлар касбий тузилмасини барқарорлаштириш
Тақсимлаш	Ишчи кучини тармоқлар ва ҳудудлар бўйича тақсимлаш	Марказ ва ҳудудлар ўртасида ишчи кучининг самарали ҳаракатланиши ва мақбул тақсимланиши; ходимларнинг касбий ва ҳудудий ҳаракатчанлигини ошириш.
Қайта тақсимлаш (алмашиш)	Меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф таъсири асосида ишчи кучини алмашиш	Меҳнат бозоридаги мувозанат, меҳнатнинг тармоқ ва ҳудудий тақсимоти ўртасидаги мувозанат.
Фойдаланиш (истеъмол)	Ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида ишчи кучидан фойдаланиш ва даромад олиш	ПТ ва турмуш даражаси ўртасида нисбат; кадрлар тайёрлаш сифати ва меҳнатни моддий-техник таъминлаш даражаси ўртасида; меҳнат ва унга ҳақ тўлаш мураккаблиги.

Ёшлар меҳнат бозори кўламини таҳлил қилиш мақсадларига мувофиқ янги кўрсаткич – таққосланадиган ёшлар ишсизлиги даражаси таклиф этилмоқда (level of comparable youth unemployment, LCyу), у иқтисодиётда барча банд бўлганлар орасида ёшлар улуши (Share of youth unemployment/ total unemployment, Syu/Tu), барча ишсизлар орасида ёшлар улуши (Share of

<sup>17</sup> Илмий-методик адабиётлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

youth employment/ total employment,  $Sye/Te$ ) каби ёшлар ишсизлиги кўрсаткичларини таққослаш сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$$LCy_u = Sye/Te - Syu/Tu \quad (1)$$

Ушбу кўрсаткич асосида ёшлар меҳнат бозорининг қуйидаги турларини белгилаш мумкин:

- $Sye/Te > Syu/Tu$  – ижобий;
- $Sye/Te \sim Syu/Tu$  (при  $LCy_u < 10$  бўлса) – мувозанатли;
- $Sye/Te < Syu/Tu$  – салбий.

Ёшларнинг ижобий меҳнат бозори барча иш билан банд бўлганлар орасида ёшлар улушининг барча ишсизлар орасидаги ёшлар улушидан ортиқлиги билан тавсифланади. Демак, ёшлар меҳнат бозорида нисбатан қулай вазият юзага келаётгани ҳақида гапириш мумкин. Аниқроғи, минтақада бандликни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ёшларнинг бандлигини таъминлаш учун самарали ва етарли бўлмоқда. Шунинг учун ёшлар ишсизлигини камайтиришга қаратилган махсус чоралар талаб қилинмайди, деб ҳисоблаймиз.

